

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Бугун 8 Март — халқаро хотин-қизлар куни

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 48 (3786).

Жума, 8 март 1968 йил.

Баҳоси 2 тийин.



«Юлдуз» қизлари.

А. Тўраев фотоси.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март муносабати билан
КПСС Марказий Комитетининг Мурожаати

Азиз хотин-қиз ўртоқлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети халқаро хотин-қизлар куни, барча мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқликлари учун, тинчлик учун, халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллиги, демократия ва социализм учун курашдаги интернационал бирдамлиги куни — 8 Март билан сизларни қизинг табриклайди ва ситқидилдан қўтлайди.
Бизнинг мамлакатимизда 8 Март куни порлоқ ва шодона байрам бўлиб қолди. Бугун совет халқи ўзининг шонли қизларини шарафлайди ва уларнинг коммунистик қурилишдаги, моддий ва маънавий бойликлари яратилишида, СССР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматларини тақдирлайди.
Совет ҳокимиятининг эллик йил мобайнида хотин-қизларимиз революцион кураш, фидокорона меҳнат, қаҳрамонлик ва шижоаткорликнинг шонли йўлини босиб ўтдилар. Улар ўз оталари, эрлари ва ака-укалари билан ёнма-ён туриб Совет ҳокимияти учун жондан кечиб кураш олиб боришлар, граждандар уруши ва Улуу Ватан уруши йилларида пролетар революцияси галабаларини душманлардан қаҳрамонларча ҳимоя қилдилар, ўз социалистик ватанимиз равишга йўлда сабот билан меҳнат қилиб кетдилар ва меҳнат қилмоқдалар.
Социализм хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини тубдан ўзгартириб юборди. Асрлар бўйи давом этиб келган ва капитал мамлакатларида ҳозир ҳам меҳнаткаш хотин-қизларнинг қисмати бўлиб қолаётган қўриқдан, ҳуқуқсизлик ва тақдирлардан бизда асар ҳам қолмади. Октябрь революциясининг галабаси совет хотин-қизларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси қилиб қўйди, хотин-қизларнинг социализм ва коммунизм курашида актив қатнашиши учун ҳамма имкониятларини яратиб берди.
Совет Иттифоқида бизнинг аjoyиб хотин-қизларимиз моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар давлатни идора қилишда қатнашмоқдалар, корхоналар, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилмоқдалар, кўпчилик тадқиқотлар олиб бормоқдалар, адабиёт ва санъат асарлари яхши қилмоқдалар, маориф ва соғлиқни сақлаш жабҳасида ишламоқдалар. Юз мингларча хотин-қизлар СССР Олий Советининг, иттифоқдosh ва автоном республикалар Олий Советларининг ҳамда маҳаллий советларнинг депутатлигига сайланган, улар партия, касба союзу ва комсомол ташкилотлари ишида актив қатнашмоқдалар. Аёллар ёш авлодини оналик меҳри билан тарбиялаб волага етказмоқдалар, ёшларимизда

юксак ижтимоий идеалларни ва маънавий ғазилатларини — коммунизм ишига садоқат, меҳнатсеварлик, коллективизм, ватанга муҳаббат, унинг душманлари бўлиши империалист йиртқиқларга мурокасизлик ғазилатларини қамол топтиришда Коммунистик партияга қўмақлашмоқдалар.
Коммунистик партия билан Совет ҳукумати халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида, ҳар бир совет кишини тагин ҳам фаровон ва маънавий жиҳатдан бадавлатлайишдан бўлиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Уй-йой қурилиши йил сайин кенгайиб бормоқда, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар боғчалари ва яшлар кўпаймоқда, халқ маорифи такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Меҳнаткаш хотин-қизларни машаққатли рўзгор ишидан халос қилиш лозим бўлган маънавий хизмат анча яхшиланимда.
Хотин-қизларнинг турмушдаги тенгсизлиги сарқитларини батамом тугатиш учун ва хотин-қизларнинг бахтиёр она бўлиш билан бирга ижтимоий меҳнатда, фан, техника ва санъат ишларида тагин ҳам актив ва ижодий қатнашишга ижон берувчи социал — маънавий пароятларини яратиб бериш учун партия билан давлат ҳамма чораларини кўрмоқдалар.
Бизнинг Совет Ватанимиз ўз ҳаётининг искинчи эллик йиллигига сиёсий активлик ва меҳнат гайрати гойа жўш урган вазиёда қадам қўйди. Ярим асрлик тарихий тақрибидан бидан бойган совет кишилари — эришилган муваффақиятларга таяниб, коммунистик қурилиш суръатларини яддаллаштириш учун бутун фронт бўйлаб бошланган курашнинг кенг қулоқ ёдирмоқдалар, ўз гайратларини, ижодий қучларини беш йиллик план тошириқларини мулдиратдан олдин бажаришга сафарбар қилмоқдалар, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини мунособ қилиб оlishга ҳозирлик кўрмоқдалар.
Партия программасида ва КПСС XXIII съезди қарорларида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш учун ҳамма жойда қизини иш аж олмоқда. Мамлакатимизнинг муваффақиятлари, унинг улус Ленин кўрсатган йўлдан олға томон қиланган ҳаракати совет хотин-қизларининг меҳнати ва гайратига, уларнинг талантини улоқдасига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини уларнинг ўзлари яхши билишлар.
Коммунистик партия Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтдики, аёл ишчилар ва колхозчилар, ўқитувчилар ва врачлар, инженерлар ва техниклар, маданият ва маънавий хизмат, савдо ва умумий оқат-лаиш ходимлари — барча совет хотин-қизлари бундан

бўён ҳам Ватанимиз шон ва шухратини баланд қўтардилар, фидокорона меҳнат қилиб, унинг бойликларини қўнайтирадилар, болаларни оташин ватиналарини, коммунизмнинг оғил бинокорларини қилиб тарбиялай беришлар.
Халқаро хотин-қизлар кунини совет халқи билан бирга чет эллардаги миллион-миллион меҳнаткаш хотин-қизлар ҳам нишонламоқдалар. 8 Март куни капиталистик мамлакатларнинг ва мустамаккачилик оқибатларини тугатиш ҳамда ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашадиган мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизлари ўз ҳуқуқлари учун, ижтимоий ва миллий эълмдан озод бўлиш учун, ёш авлодининг саодати учун курашишга қатъий бел боғлагандикларини намойиш қиладилар. Совет хотин-қизлари бу адолатли курашини актив қўллаб-қувватлайдилар, хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигига ва маълумлигига, капиталистик қўллик тузумига қарши, социал тараққиёт учун қатъий курашадилар.
Қардош социалистик мамлакатлардаги дугоналари, бутун ер юзидаги меҳнаткаш хотин-қизлар каби совет хотин-қизлари ҳам империалистик уруш оловини ёқувчиларнинг халққа қарши планларини барбод қилиш йўлидаги муштарак иштиш билан — бирлашгандилар. Улар Америка империализмининг эрксавар Вьетнам халқига қарши йиртқиқларча агрессия урушини қатъий қоралайдилар, Вьетнам жангчилари билан партияналарининг қаҳрамонлиги ва довораклигини қизини табриклайдилар ҳамда уларнинг хотин-қизлар, болалар ва кексаларининг жамлоди, халқлар озолигини бўғувчи — Америка империалистик галалари устидан талаба қозонишларини тилайдилар.
КПСС Марказий Комитети мамлакатимиз хотин-қизлари тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализмнинг олжаюб иши йўлида барча мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг бирдамлигини бундан бўён ҳам мустаҳкамлай беришлар, деб ишонади.
Азиз хотин-қиз ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ҳамма ишларинида ва эгзу таъабусларинида сизларга янгидан-янги катта муваффақиятлар, сийхат-саломатлик, қувончли ва оёсйишта турмуш тилайди.
Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!
Яшасин бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизлари!
Яшасин азиз социалистик Ватанимиз!
Яшасин мамлакатимизда коммунизм қурилишининг ташкилотчилиги ва ялҳомчилиги — Коммунистик партия!
СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ҲАЁТГУЛЛАРИ

—Салом, мунис, меҳрибон, муштинар ва жафоканш она-жонларимиз.
—Салом, сизга ҳамданимиз, меҳнатда, курашда елкадош ва жонқуяр она-сингиларимиз!
—Гул очиб, нур таратиб, ҳар томонга хушбўй ҳид сочиб кириб келган навроз байрамининг қутлуг бўлсин!
Бугун бу самимий юрак сўзлари ҳар бир онда, ҳар бир хонадонда такрор-такрор жарағлайди. Бугун ҳар биримиз 8-Мартни эфр тодиёналик, мамунини билан қувона-қувона нишонлаймиз. Ҳар соҳада илгор, мадакор, ҳамкор хотин-қизларимизни қўтлаймиз, шарафлаймиз.
Хотин-қизларнинг халқаро бирдамлиги куни — байрамнинг аjoyиб тарихи бор. Дунё хотин-қизлари бу кунни 1810 йилдаёқ социалист хотин-қизларнинг Иккинчи халқаро конференциясида ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Клара Цеткин томонидан киритилган таклиф бўйича нишонлашга қарор қилганлар. Маана, бу йил, бутун дунё хотин-қизларининг тенглик, озодлик, миллий мустақиллик учун кураш йўлидаги халқаро бирдамлиги куни 58-март нишонланмоқда.
Советлар мамлакатига эса бу байрам алоҳида ғўшқилик, оналаримизга, оналаримизга, сингилларимизга алоҳида ҳурмат ва муҳаббат билан тантанавор нишонланади.
Бу йил хотин-қизлар байрами, айниқса, қўтариш руҳ билан қўтиб олинди. Ҳамма ерда коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш учун кураш авж олдирилган, совет кишилари халқ ҳўжалигининг ҳар соҳасида — янги-янги ўтуқларини қўлга киритган бир пайтда байрам қилмоқдамиз. Ўтганйўилёй йилда эришилган ютқиқларимиз, айниқса, салмоқли бўлди. Коммунизмнинг нурли чўққилари сари яна бир зафарли одим ташланди. Бу ютуқларнинг ҳаммасида хотин-қизларимизнинг иштироки гойа каттадир.
Совет хотин-қизлари ўзларининг ватанпарварлик ҳаракатлари, фидокорона меҳнатлари, гайрат ва ташаббуслари билан халқимизнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлдилар. Улар ҳар қачон ҳар қандай қийин пайтларда ҳам эркақлар билан ҳамкор, ҳамфикр, ҳамдард, ҳамнафас бўлиб меҳнат қилиб келмоқдалар. Совет ҳукумати эъдиғига тетаовор қилаётган жамлода, чет эл империализмига қарши аёсиз кураш олиб боришдан йилларда, даёдалаки беш йиллик планларини амалга оширишда, Улуу Ватан уруши йилларида, яхшироқ тинч қурилиш йилларида халқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун олиб борилган умумхалқ курашида гойа активлик, жасорат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилдилар.
Ҳақиқатан ҳам бизда халқ ҳўжалигининг бирон соҳаси йўқки, у ерда хотин-қизлар ишламасин. Хотин-қизларимизнинг бири инженер, бири олим, бири тўқувчи, бири санъаткор, бири меҳрибон тарбиячи, яна бири ўқитувчи, давлат арбоби, бири партия ва совет ходими...
Областимиз экономикаси йилдан-йилга юксалиб, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш қўлайиб бормоқда. Ўтган йили бу соҳада айниқса баракали ютуқларга эришдик. Айниқса пахта, дов, пилла, сабзавот, каноп ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш қўлайди. Бу меҳнат зафарларида хотин-қизларимизнинг улкан ва мунособ ҳиссаси бор. Ҳозирги кунда область халқ ҳўжалигига 39 минг хотин-қиз меҳнат қилди. Уларнинг иштирокида ҳўжалик ва маданий қурилиш вазифалари муваффақиятли равишда

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУДАПЕШТДАН ЖўНАБ КЕТДИ

БУДАПЕШТ. 6 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси бугун Будапештдан Москвага жўнаб кетди. Делегация коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг шу йил 26 февралдан 5 мартгача Будапештда бўлиб ўтган маслаҳат учрашувида қатнашди.
Делегация доир бир қанча актуал масалаларни илгари сурди. Жамиятнинг Самарқанднинг 2500 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик қириш соҳасидаги ишларга, Бухоро, Хева ва Тошкентдаги тарихий ёдгорликларни тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилди.
Жамият президиумининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов қатнашди.
(ЎзТАГ).

СОФИЯДА КЕНГАШ ОЧИЛДИ

СОФИЯ. 6 март. (ТАСС махсус мухбири). Бугун бу ерда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети биносида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сийсий маслаҳат комитетининг кенгаши очилди.
Кенгаш ишида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси делегацияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Надар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегацияси, Германия Бирлашган социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихт бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси, Польша Бирлашган

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Шонли байрам — халқаро хотин-қизлар кунини ҳар йил эрта кўнам бугун дунёда нишонланиб келинаётганига ярим асрдан ошди. Ана шу шонли санага бағишланиб 7 мартда Навоний номи театрда ўтказилган тантанали мажлисга турли-туман наслардаги неча юзлаб меҳнаткаш хотин-қизлар, Тошкент партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намоёндалари қатнашди.
КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига намдидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига намдидатлар И. Г. Анисимкин, Н. Г. Лященко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахоннов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Турсунов ўр-

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Республикада олти юз мингдан ортиқ киши уларини архитектура дурдоналарининг муҳлислари бўлиб авлодлар яратган бой маданий мероснинг пропагандистлари, деб ҳисобламоқдалар. Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти республика правленияси президиумининг наватбадаги мажлиси уларнинг ишлари ва планларини қараб чиқди. Мажлис жамият раҳбари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг

Раиси Е. С. Насриддинова раислигида ўтди. Мажлисга область партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, республика министрлари ва бошқа ташкилотларининг раҳбарлари, таниқли олимлар, матбуот ходимлари таклиф этилди.
Президиум муҳомама қилган доқладлар ва ахборотлар жамиятнинг ўтган йили ишларини якунлади, унинг бундан бўёнги фао-

ЁРКИНУЛ

ҚУВОНЧЛИ САТРЛАР

Ҳар йилдаки бу йил ҳам совет хотин-қизлари ўзларининг бутун жаҳондаги неча миллионлаб дугоналари билан бир қаторда Халқаро хотин-қизлар кунини таъинлаш билан ишоналдилар.

Бу йилги 8 март байрамининг ўзига хос фазилати бор. Совет давлатимиз ўзининг иккинчи эллик йиллигига қадар қўйди. Утган ярим аср давомида совет халқининг социализм ва коммунизм учун бутун курашида хотин-қизларнинг роли бегибсиз улкан бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда бу кун навоҳор байрам ҳамдир. Шу кун биз Ватанимизнинг шонли хотин-қизларини, тиниб-тинчимас, жонқуяр ишчи, хизматчи, қолқози, илми хотин-қизларини, коммунист жамиятининг шонли қурувчиларини шарафлаймиш. Шу кун биз оналаримизни, меҳрибон она-сингилларимизни қадрдон дугоналаримизни чин юракдан қўтаймиш, бахт-саодат тилаймиз.

Мамлакатимизда тарихда биринчи бор хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ бериб қўйилди. Уларнинг янги жамият қурилишида иштироки этиши учун етарли имконият яратиб берилди. Ҳозирги кунда буюк Лениннинг, пролетариат хотин-қизлар учун тўла эркинликни қўлга киритмай туриб, тўла-тўқис эркинликка эришуви мумкин эмас, деган аjoyиб сўзларини бутун ҳаётимиз ёрин тасдиқлаб турибди.

Совет ҳокимияти йилларида хотин-қизларимиз тақдирини чинакам улкан ўзгаришлар бўй берди. Хотин-қизларнинг яратувчиллик ишда актив иштироки социалистик жамиятимизнинг тарихий фазилати бўлиб қолди-ки, улар эндиликда коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Совет Иттифоқи биринчи беш йиллик реаллаш амалга оширишга киришган 1928 йилда мамлакатимизда 2 миллион 795 минг хотин-қиз социалистик қурилишда иштирок этган эди. 1968 йилда эса хотин-қиз ишчи ва хизматчилар соҳи 39,5 миллион кишига етди. Ҳозирги вақтда, СССР да ишчи ва хизматчиларнинг ярим хотин-қизлардир. Улар саноат ҳодимларининг 47 процентини, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 43 процентини, қурувчиларнинг 28 процентини, транспорт ҳодимларининг 24 процентини ташкил қилапти.

Эндиликда мамлакат ҳалқ хўжалигида ишлаётган ҳар юз мутахассиснинг эллик тўққизи, саноат корхоналаридаги ҳар уч инженернинг бири хотин-

қизлар бўлиб, қишлоқ хўжалиги мутахассислари орасида эса улар 40 процентдан кўпроқни ташкил этапти.

Агар юқоридаги каби фактларни биргина ўзбек хотин-қизлари ҳаётидан ҳам келтирадиган бўлсак, утган ярим аср мобайнида амалга оширилган бегибсиз ўзгаришлар қўлимизга янада яққол ташланади. Ўтмишда қолқоз ва саводсиз, таъқиб дунёдан тўрт девор ва паранжидан қўйиб қўйилган ўзбек хотин-қизлари Совет Конституциясини қатъиянлаб берган барча ҳуқуқлардан фойдаланиб социалистик жамиятда муносиб ўрнини эгалладилар.

Ўзбекистон саноатида революциядан аввал атиги 65 хотин-қиз ишлаган экан. Ҳозирги вақтда эса республикамизда 803 минг ишчи ва хизматчи, қишлоқ хўжалигида 800 мингдан ҳам кўпроқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонда мутахассислар умумий сонининг 45 проценти ёки 176 минг хотин-қиз олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлиб ҳалқ хўжалигининг хилма-хил соҳаларида фидоқорона ишламоқда. Жумладан, областимиз ҳалқ хўжалигида ишлаётган ишчи, хизматчи ва қолқозчиларнинг 46 процентдан кўпроқини хотин-қизлар ташкил этади.

Социалистик жамиятимизда хўжалиги ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг меҳнати, шижоати, билимига боғлиқ. Эндиликда хотин-қизлар орасидан актив жамоатчилар, истеъдодли раҳбар ҳодимлар, ишлаб чиқариш командирлари, олималар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа ўнлаб касб эгалари етишиб чиқди.

Ҳозирги кунда улар коммунистик меҳнат ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар. Биргина Чирчиқда 500 хотин-қиз, Оҳангаронда 300 дан ортиқ хотин-қиз коммунистик меҳнат зарбдорлари деган шарафли номига сазовор бўлишган. Буни Тошкентдаги тўқимачилик комбинати мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда хотин-қизлар бошчилигидаги 17 бригада «Октябрьнинг 30 йиллигига» деган номига сазовор бўлди. Ана шундай бригадалардан бирига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Пуллошева бошчилик қилади. Бу коллектив беш йилликнинг дастлабки йили топиригини муддатидан олдин бакарди. Республикаимиз хотин-қизлари овозли ҳаракатида муҳим ўрин тутган бу улкан корхонанинг Мария Алпатова, Озода Муллаева, Валентина Пильнева каби неча ўнлаб илгорлари бор-ки, улар янги машина ва механизмларда юксак меҳнат унвондорлигига эришиш учун бошланган ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлиб чиқди. Бошқа тўқимачилик корхоналарининг неча юзлаб тўқувчилари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Хулоса шунки мисолларни Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, химия машинасозлиги заводлари «Қизил тоғ», «Юлдуз» фирмалари сингари ўнлаб корхоналар ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Областимиз қишлоқ хўжалиги ривожига хотин-қизларнинг роли бегибсиз катта. Турсуно Охунова, Любова Ли, Саодат Гулаҳмедова, Назира Пуллошева, Мария Ковалева, Умир Хасанова, Тўхта Абдулаева, Абдул Раҳмонова, Анастасия Чудная каби қаҳрамонларимизнинг номи эндиликда бутун мамлакатимизда маълум ва машҳурдир.

Ҳозирги вақтда областимиз пахтачиллиги, чорвачилиги, иппачилиги, мевачилиги ва сабзавотчиликда, лубкорликда 80 дан ортиқ хотин-қиз далачилик бригадаларини, 290 хотин-қиз звеноларини, 40 хотин-қиз эса фермаларни бошқармоқда. Ана шундай ўнлаб жонқуяр хотин-қизлар пахтачиликнинг ривожлантириш, меҳнатни ташкил қилишнинг янги усулларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш, илгор фан ва тажрибадан кенг фойдаланиш борасида катта ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётганлар.

Совет даврида хотин-қизларнинг сиёсий ва иқтисодий овозидики эришганлиги уларга фан, маданий, санъат чўққиларини эгаллашлари учун кенг имтиёзларни очиб берди. Бизда ўтмишнинг саводсизлик каби мафшур иллати чекиниб, хотин-қизлар учун илм олиш ҳуқуқи тўла таъмин этилди. Бу мамлакатимизда маданий революциянинг энг буюк ўзгаришларидан бири бўлди.

Эндиликда хотин-қизлар орасидан фаннинг етакчи соҳаларида ишлаётган профессор олималар, ўз санъати билан бутун оламни мафтун қилаётган саҳна устаслари, ёзувчилар етишиб чиқди. Мамлакатимиз студентларининг қариб ярми, ўрта махсус билим юрти ўқувчиларининг тенг ярми хотин-қизлардир.

Совет Туркистон ўлкасида муштарак хотин-қизларнинг атиги ярим проценти саводди эканини ҳисоб олсак, ўзбек аслининг ўтмишда нақадар қоразулмат ичида қилиб келганига ишонч ҳосил қила-

миз. Лекин, Октябрь куёши уларга ҳам илм-маърифат ва маданият истиқболини кўрсатди, улар ёппасига саводхон бўлишди. Ҳозирда республикамизда 130 минг хотин-қиз олий ва ўрта махсус таълим олаётгани, 7 мингта яқин хотин-қиз эса илмий иш билан банд эканлиги, улар орасида 42 фан доктори, 1100 дан ортиқ фан кандидатлари, 23 профессор борлигини ёдга олсак, бунинг яққол гувоҳи бўламиз. Биргина областимизда эса 40 мингта яқин олий маълумотли, бундан ҳам ортиқ ўрта маълумотли хотин-қиз ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишляпти.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати хотин-қизларимизнинг маънавий талабларини тўлароқ қондириш учун барча тадбирларни амалга ошириб, улар учун меҳнат шартини яхшилаштириш, хилма-хил имтиёз ва енгилликлар бериш, оғалик ва болалигини муҳофаза қилиш, улар саломатлигини сақлаш борасида алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Бутунларнинг ҳаммаси фақат социалистик тузум шартини қўлга келди. Айни тоғда капиталистик мамлакатлардаги хотин-қизларнинг аҳолига назар содасак, бунинг тамомиласи ақсони кўрамиз. Хусусий мулкчиликка асосланган бу тузум шартинида хотин-қизлар меҳнати эркакларникидан анча кам қадрланади, камситилади.

Эндиликда жаҳоннинг йирик капиталистик мамлакатларида ҳам, неча-неча асрлардан бери қолқозлик ва зулматга, бевақт ўлим ва очликка маҳкум этиб келинган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида, мустамлака ўлкаларида ҳам хотин-қизлар ўз сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини тобора кўпроқ танитмоқдалар, ҳуқуқсизлик ва қашшоқликка қарши, овозлик ва мустақиллик учун, ўз болаларининг бахт-саодати ва жаҳонда тинчлик учун астойдил курашляптилар.


Бутун жаҳонга социалистик тузумнинг буюк афзалликларини намойиш қилаётган, порлоқ истиқбол эгалари бўлган совет хотин-қизлари жаҳондаги миллионлаб ўз дугоналари, она-сингилларининг бу курашини қатъий қўллаб-қувватламоқдалар. Уларга хотин-қизларнинг Халқаро бирдамлиги кунини курашда зафар тиламоқдалар.

Х. СОДИҚЖОНОВА.
Тошкент область партия комитетининг инструктори.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнати ҳар қандай соҳада ҳам қадрланади, камситилади.

Эндиликда жаҳоннинг йирик капиталистик мамлакатларида ҳам, неча-неча асрлардан бери қолқозлик ва зулматга, бевақт ўлим ва очликка маҳкум этиб келинган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида, мустамлака ўлкаларида ҳам хотин-қизлар ўз сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини тобора кўпроқ танитмоқдалар, ҳуқуқсизлик ва қашшоқликка қарши, овозлик ва мустақиллик учун, ўз болаларининг бахт-саодати ва жаҳонда тинчлик учун астойдил курашляптилар.

Бутун жаҳонга социалистик тузумнинг буюк афзалликларини намойиш қилаётган, порлоқ истиқбол эгалари бўлган совет хотин-қизлари жаҳондаги миллионлаб ўз дугоналари, она-сингилларининг бу курашини қатъий қўллаб-қувватламоқдалар. Уларга хотин-қизларнинг Халқаро бирдамлиги кунини курашда зафар тиламоқдалар.



ТОЛЕИМДАН ЎРГИЛАЙ

Ҳозир қолқозда эвено бошлиқ бўлиб ишлайман. Утган йилда эвеноиз аъзолари 25 гектар ернинг ҳар гектаридан қўллаб-қувватлаб олдлар. Ҳаммаси бўлиб эл дастурхонига 348 тонна ширин-шакар мева, сабзавот етказиб бердик. Ҳалол меҳнат ҳаммамизга ҳам қатта бойлик келтиряпти. Утган йилда меннинг эвено салкам минг сумга яқин даромад олдим. Яқинда ҳаётимда унутилмас ва қувватли воқеа юз берди. Мени Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аъзолигига кандидат қилиб қабул қилдилар.

Ана шуларни ўйлар эканман, ҳурматли шoirимиз Гафур Гуломнинг «Тандирни қўй билан яратур одам, қойибдан келажак бахт, бир афсона» деган сўзлари беҳиштер эсга тушади.

Дарҳақиқат, кишига обрў ўз-ўзидан келмайди. Мен ёшлардан деҳқончиликни ишга ҳавас қўйдим. Опиаларни Раҳима, Қаримлар билан бирга далага чиқар, уларга қарабашардим. Ўрта мактабнинг 7-синфини тугатгач бригада бошлиғи Эргаш акага ўқушам, мени ҳам аъзоликка олашгани, деган истакни билдирдим.

— Синглим, ҳали ёшсан, қандай бўларкин, — деди Эргаш ака Раҳимжонов.

Сўнгра қарорим қатъий эканлигини билгач: — Майли далага чиқиб, енгил-елли ишларга қарашиб туравер. Қўнғит ишисин, — дедилар.

Уюмда йўқ севиниб кетдим. Дастлабки кунларда сувчиларга, ҳашаротга қарши курашувчиларга, экинга ўнгит содировчиларга ёрдамлашдим. Аста-секин деҳқончилик «сир»ларини ўргана бордим. Айрим ишларни мустақил бажара бошладим. Қўн ўтмай қолқозга аъзо бўлиб кирдим.

У маҳалда қолқозимиз пахта еттиштирарди. Ерин экинга тайёрлаш, чигит экиш, қўза парвартиш ишларини бажаришда бошқалар қатори актив қатнашдим. Терим пайтида қўнмишкорларимизнинг ҳаракати қўнмиш, 8 тоннадан ортиқ ишчи пахта терди. Энди меннинг ноимин ҳам қолқознинг илгорлари қаторида тилга ола бошладилар. Ютқулларин мустақиллашган учун янада астойдил ишлашга бел боғладим.

Бригадиримиз эвенога бошчилик қилишни тақдир этганида, бу ишончини оқлаш учун бир ғайратимга ўн ғайрат қўшиб ишладим. Қўнни қўнган, тақрибани деҳқонлар билан ҳамкор, бамаслаҳат иш юритиш катта фойда келтирди. Биринчи йили эвеноиз бўйича 36 центнердан, келгуси йил эса 38 центнердан хирмон кўтардик.

Дарё сувини баҳор тоширар, нисон қадрили меҳнат оширар, деб шунга айтадиларди! Қўнлар қатори меннинг меҳнатим ҳам ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим.

Жамоатчилик ишларида ҳам қатнашини унутмастим йўқ. Қишлоқ аҳолиси мени 91—Гулистон сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб кўрсатган. Депутат сифатида ҳам халқимизга, қишлоқ аҳолисига қўнмиш қўнганча ёрдам беришга ҳаракат қилмадим.

Қишқача ҳаёт йўлиман ана шулардан иборат. Мен ҳур ва бахтиёр ҳаёт кечирётган мингмишга ўзбек аёлларининг бириман.

Ҳозир даламизда қўнма тараддулди. Янги марраларни қўзлаб иш қилмоқдамиз. Бутун эркин меҳнатнинг намуна-намунасини сураётган, ўз қўллари билан тинчлик, коммунизм боносига гишт қўётган совет аёллари сингари байрамни қўнон-қўнона нишонлаймиз.

Марҳамат МУСЛИМОВА.
Орхоникидзе районидagi «Маданият» қолқози аъзоси.

ЎРТА Чирчик районидagi Куй-бешев номи қолқозда очилган А. Икромов номи профессионал-техника мактабининг филиалида 50 дан ортиқ қиз механик-ҳайдовчилик касбинини ўрганишляпти. Суратда: (чапдан-ўнгга) С. Абулбакирова, Д. Қодирова, Г. Қўйбоқова, Р. Муллаева, К. Одамбоева ва З. Тошмулатова ўртоқларини қўриб турибсиз.

Қ. РОЗИКОВ ФОТОСИ.
(ЎТАП).

МАРОҚЛИ КЕЧА

«Илгор» маҳалласи Тошкентнинг қўнма ва обод жойларидан бири. Маҳаллада 1300 хонадон бўлиб, ўн мингдан ортиқ аҳоли ишляпти. Бу ерда хотин-қизлар Совети ҳам тузилган. Ўғам мудираси, кенсас жамоатчи Фотима опа Аҳмедова бир неча йилдан буюн Советнинг раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

5 мартда маҳалла хотин-қизларининг байрам кечаси ўтказилди. 132-мактабининг клубига 700 га яқин хотин-қизлар йиғилди. Фотима опа Аҳмедова Халқаро хотин-қизлар кунини 8-Мартга бағишлаган таъиниёли нечани очди ва уларни улғу айём муносабати билан мураббаб этди.

Кеча охирида қаҳрамон ва кўп болали оналарга ҳукумат мукофотлари топирилди. Маданий-тарғибув техникуми ва 132-мактаб халқасорларини кирсизда катта концерт қўйиб берилди.

З. НАЗАРОВ.

Сайёранинг бахти

Меҳнат қилган элда азиз. Сайёра ҳам меҳнат кучида кам бўлган йўқ. Бахт-қўл, обрў-этибор тоғди, одамлар ишончини қозонди.

У Тошкент бадий буюмлар фабрикаси оstonасига илк бор қадам қўйганида ўн беш ёшда эди. Ўшандан буюн яна ўн беш йил ўтди.

Худди кечатидек эсида. Иш бошлаган биринчи кунини попоқчи қизлар хунарига маҳлиб бўлиб, улар тикан қўзни қамаштириб бекжирим туқурпа, чойшаб, сўзана, зардеворларни ҳавас билан томоша қиларкан, юрагининг аллақерри жиз этиб кетгандай бўлди: «Мен ҳам шуларга ўхшаб гул тика оларми-канман?».

Ўша кунини цехда қизларнинг ишини томоша қилиш билан ўтказди ҳисоб. Сменадан кейин цех мастери ёнига чақириб қолди.

— Ҳа, қизим, фабрикамиз ёқдими? — сўради Зайнаб опа. — Екишга ёқдику-я, бироқ мен...

— Уёғини айтмай қўя қол, сезиб турибман, — унинг сўзини бўлди қилиб Зайнаб Хасанова, — мен ҳам ўрганиб кетармиканман, демоқчи-санга. Ҳамма шогирдлар даставвал шундай, деб юришди.

Юрканда ўтган, шу ишга ҳавасини бўлса, бас, ҳаласам ўзини менга ўхшаб, шогирдларини ёнига олиб, иш ўргатадиган бўлиб қолсан.

Каштачилик ҳам меҳнат, ҳам санъат. Тикниладиган ҳар бир буюм нафис, юзобали, кишиларга заков уйғотадиган бўлиши зарур. Сайёра ана шу меҳнат ва санъат сирларини аста-секин устозлари Зайнаб Давиджанова ва Ҳамида Шоюсуповадан ўргана борди. Бора-бора унинг ҳам қўли ишга келишиб қолди, келишиб қолди-на эмас, уста тикувчи бўлиб фабрикага доврўр қилди.

Фабрикада йиллар оша қўзлашиб, амал қилиб келинаётган яхши бир аъзона бор. Ҳеч ким эришган маррасида тўхтаб қолмаслиги зарур! Коллектив



пиори шунақа. Қўнларнинг бирида Сайёрага: — Бош инженерга учрашармишсан, — дейишди.

Ортиқ Маҳмудович уни илиқ кутиб олди. Оиласи, ишлари билан қизиқди, сўнг мудиога қўчди.

— Сизни янги участкага ўтказмоқчимиз, нима дейсиз? — сўради бош инженер. Қиз жаъов бергани йўқ эди ҳамки у сўзидан давом этиб деди: — Нормаловчи бўлиб ишлашни хоҳлайсизми?

Қандай бўларкин, ўртоқ Мансуров, эндигина иш ўрганиб...

— Ҳа, кам бўлманг, синглим. Қўннингиздан иш келиб, қўннингизни пишиб қолгани учун сизга шу вазифани лозим кўриб турибмиз. Ёлғиз ўзингизни эмас, тажрибали хотин-қизлардан ўн кишини ҳам таянчангиз. Махсус курс очамиз, ўқийсиз, ўрганасиз. Келишдикми?

Олти ойлик курсни тугатиб, Сайёра янги вазифага ўтмиш ишлай бошлади.

Иши даставвал бирмунча қийин туюлди. Негаки, фабрика Тошкент, Душанба, Наманган сингари кўп шаҳарлардан тўқимачилик корхоналаридан мол келарди. Сайёра ва унинг ҳамкасблари Моҳира Каримова, Жаҳраҳон Шарофхўжаева, Нафиса Содиқовалар оқ сўрп, мадалпан, духобаларни қўздан кечириб, сифатини аниқлашди, сўнгра норма бўйича бичиш цехига тарқатишди. У ерда эса дўппи, сўзана, чорсу, тулқурпаларни бичиб, тикув цехларига узатишди. Қўли гул тикувчилар буюмларга жило бериб, анвойи гуллар нухсасини солишди.

Боя Сайёра эл ишончини қозонган қиз, дедик. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Чиндан ҳам фабрика коллективни унга катта ишонч билдирган, ҳоимият ва кили қилиб сайлаган. Сайёра Нурмухамедова кетма-кет уч марта шаҳар Советининг депутати қилиб сайланди. Унинг

ОНАГИНАМ ...

Мингта кириб ўлсам ҳам Қўлонда қўйма аёллар.

Гафур ГУЛОМ.

Минжакларин терган сатрлар сафи, Мусавво қўшнлар садафи, Азия обига Тукил, Сажида қил, Дунёда онадан улғу санам йўқ, Гўнча оғизларда лаззати қолган Бир илм сутисиз, Томирча қўйилган несиқ ўтисиз, Яъдо кечаларини сукутидаги Ҳазин алаларини шуурларисиз, Оналар шарафи, Ғурурларисиз Даҳо йўқ, Шонир йўқ, Қоши қалам йўқ, Баҳорини ўйнатган таянбур товуши, Ҳаёт саҳнасида жонбахш алам йўқ, Тўтарак жаҳоннинг зийнати бекор Оналар олдига бошқа олам йўқ, Ана шу оназор, қошлари сабаб хат, Товонлардан азралча сўнгирган меҳрибон қўл,

Ана шу оназор, фикри манглайда қат-қат,

Тор ташлаган ажндалари мўл, Қарқиндоқдай сайраш-у, Бургутдай тошларга тирноқ қайрашнн ҳам, Томма-том сакраш-у, Табаррук ёмғирдай яйрашнн ҳам Ўртатган писандасиз.

Бутун вужуди унинг лутфу қарамдир. Оналар париллиги биланмас, Оддийлиги билан хўб муҳтарамдир. Емоилик истисно, Не эзгулик бор: Гўзаллики, Тонгги мусавфоллик ё, Тотувлики, Қадр, Аҳд-вафоллик ё, Ҳаммаси боекшн она ҳадяси. Қўлариди мангу муҳаббат қайфи. Юлдузларни узиб тутсан-да, аммо Унга қамши биз «Болагинам Сайфи!».

Ана шу, Сотлари қумушланган зот,

Ана шу, Тиниқ бўёқлардан ишланган зот Бор экан, Шодликлар бўлмас дабдала, Қўшдай қиламиз ҳар кун дабдала. Сув ёқа чилвир тол паналарида Лайли бўламан ва Мажнун бўламан. Даладагига қўнма чиқарамиз қўш, Ишчи тоғларда биз кўча тўламан. Фаслар келарди, Тўлқинга ҳам Ипак аргичиқлар соламан. Хўжумга кирсан гар, ўқин эт билан, «Ойжон!» деймиз-у, юлиб оламиз. Набира кўрсак ҳам аммо умрбод Шу тисмол олдига содда боламан. Бу — поёисиз мадҳ. На боши бор, На сўнгги. Она — тун ила тонг, Дунёнинг Беғубор шодлиги, Еқимли муғни. Оналар борлиги ҳаммамнинг заъки. Яшасин яратган оналар макки!

Н. Мирсаидова ва С. Абдувалиева ўртоқлар бир неча йилдирки Тошкент электр-монтаж конструкторлари заводининг йиғув цехида зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиб келаяптилар. Йилги дугона Халқаро хотин-қизлар кунини — 8 Март байрамининг меҳнатда улкан ютуқлар билан қутиб олдилар. Улар шу кунларда смена топиришларини ортиги билан элдо этиб, беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан олдин бажариш бўйича бошланган мусобақанинг олдинги сафларида келмоқдалар. Суратда: Н. Мирсаидова ва С. Абдувалиева ўртоқлар набатдаги ускунани йиғишмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ ФОТОСИ.



